

доимо ҳаракатда, яратишда эканлиги мазкур динлар ақидаларига мос тушарди.

Файласуфлар борлиқ табиати ҳақида гапирар эканлар, барча саволларга тўлиқ жавоб бериб, оламни тўлалигича тушунтириб ўтилган деб таъкидлашга интилганлар. Олам тўғрисида муайян фикр тўғри экан, бу фақат ҳозирги реал оламни эмас, балки ўзгармаслиги керак бўлган келажакдаги оламни ҳам тасвирлаб беради деб ҳисоблаганлар.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/026>

ЭКОХАВФСИЗЛИК ЎЗБЕК ҚАДРИЯТЛАРИ ТИЗИМИДА

Ж. Ҳайитов

Миллий гвардия Бухоро вилояти бўйича бошқармаси катта лейтенанти

Аннотация: Мақолада экологик хавфсизлик, атроф-муҳитга оқилона муносабатда қадриятларининг роли ва аҳамияти ўрганилиб, унинг таҳлили берилган.

Калит сўзлар: Экологик хавфсизлик, миллат, қадрият, атроф-муҳит

Ўз тарихи ва бой маданий илдизларига эга ҳар қандай миллатнинг структурал қадриятлар тизими бўлиб, у шу халқ, шу миллатнинг

идентиклигини ўзида акс эттиради. Худди шундай ўзбек халқининг бой ва такрорланмас шарқона кадриятлари ўзининг тарбиявий, регулятив, интегратив функциялари билан кишилар ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кадриятлар тизимида атроф-муҳит, экологик хавфсизликка ҳам алоҳида урғу бериб келинган. Хусусан, Марказий Осиё халқларининг энг муҳим тарихий мероси саналган Зардуштийлик динида ҳам табиатнинг асоси саналмиш 4 унсур: олов, сув, ҳаво ва тупроқнинг муқаддас саналгани ва шу муқаддасликни асраш сабабидан марҳум жасади куйдирилмагани, сувга оқизилмагани, тупроққа кўмилмагани бунинг ўрнига жасадлар бир неча патс, баланд «сукут миноралари» – дахмаларга солингани, у ерда мурдаларнинг гўштларини қушлар еб, суякларини тозалангани тарихий манбаалардан маълум. Гўшtdан тозаланган суяклар махсус сопол идишларга солиниб минора ўртасидаги қудуққа сочиб юборилган. Бунда поклик билан нопокликнинг бир-бирига яқинлашмаслигига эришилган²⁵.

Бундан ташқари Ислом динида ҳам тирикликнинг энг олий вакили бўлмиш инсоният нақадар юксакликка эришмасин шу заминнинг бир бўлаги, бўлаги бўлганда ҳам борлиқ ичра жуда кичик жонзот эканлиги уқтирилади. Чунки, башарият ўз ақлу-заковати билан нақадар тараққий этмасин кези келганда табиат тилсимлари, синовлари олдида жуда ожиз қолмоқда. Айрим ҳолларда эса одамлар табиий офатни ўз бошига ўзи сотиб оляпти. Бу атроф-муҳит устидан назоратга интилиш, табиат ва унинг бойликларидан тартибсиз фойдаланиш, унга нисбатан

²⁵ <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/284>

истаганча ҳукм ўтказиш оқибатда табиат ва коинот қонунларини бузилишига олиб келади. Одамлар бу борадаги тартибларга амал қилмаса, табиатдан истаганча фойдаланса тириклик таназзул сари юз тутади. Яъни, Қуръони Каримда айтилганидек; «Агар ҳақиқат уларнинг хоҳишларига боғлиқ бўлса, унда осмон, ер ва улардаги одамлар йўқ бўлиб кетади». (Сура- 23, «Мўминлар» оят- 71).

Бошқача айтганда, инсон фаолияти атроф-муҳит хавфсизлиги муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Аммо бу билан Ислом иқтисодий ўсишни ёки технологик ривожланишни чеклашга чақиради, дегани эмас. Қуръонда таъкидланишича, ривожланиш доимий технологик тараққиёт билан давом этади, бунда инсон экологик мувозанатни бузмаса бас. Аммо агар одамнинг кенгайиши табиатда мавжуд бўлган мувозанатни бузса, у ҳолда табиат жавоб беради: «Сизга ҳар қандай офат фақат қилган ишингиз учун етказилади». (сура- 42 «Кенгаш», 30-оят).²⁶

Қуръони каримнинг «Абаса» сураси 24-32-оятларида шундай марҳамат қилинади:

«Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан) боқсин! Биз (осмондан) сувни мўл ёғдирдик. Сўнгра Биз унда донларни ундирдик, узум ва кўкатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғларни меваю гиёҳларни ҳам. Булар сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаатдир». Яъниким, Аллоҳ инсонлар ва мавжудотларга тириклик манфаати сабабидан осмондан сувни ёғдиргани, турли ўсимликларни

²⁶ <http://ekopress.uz/?p=1153>

ундиргани келтирилади. Бундан аёнки, биз инсонлар манфаатларимиз сабабидан ҳам табиат билан узван боғлиқмиз ва истаёмизми, йўқми табиат билан оқилона муносабатда бўлишга мажбурмиз.

«Тоҳо» сурасининг 53-оятида Аллоҳ ерни шундай таърифлайди:

«У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини ундириб чиқардик»

Гўдак учун бешик қандай қароргоҳ бўлса, ер ҳам инсон учун шундай қароргоҳдир. Ерни бешик қилиб ундан ризқлантириб, ювиб-тараб турган, осмондан сув тушириб дарахт ва гиёҳларни ундириб қўйган зот Аллоҳ таолодир. Ҳаётимизда шу ер устида яшаётган бўлсак, вафот этганимиздан кейин ҳам шу ер бағрида ётамиз. Ўзимизнинг узок муддат масканимиз бўлган бу ерни асраб авайлаш ва обод қилиш, ўзимиз учун фойдадир. Атрофимизни турли зарарли нарсалардан ва ифлосланишдан сақласак, ўзимиз ва аҳлимизнинг ҳаётини, саломатлигини сақлаган бўламиз. Атрофимизни ўраб турган табиат биз учун шундай мослаштирилганки, табиатдаги барча-барча нарсалар фақатгина инсонлар манфаати учун хизмат қилади. Аммо мана шу гўзал табиат шунчалар нозикки, унга келтирилган биргина оддий зарар ҳам келажакда жуда катта тўғирлаб бўлмас хатоларга олиб келиши мумкин. Мана шундай хатоларнинг энг кичиги бу атроф муҳитни ифлослатириш, сувларга чиқинди ташлаш, ўсиб турган экинларни ва дарахтларни беҳудага синдириш каби ёмон ишлар ҳисобланади. Булар оддий эътиборга лойиқ бўлмаган ишлардек туюлиши мумкин, аммо,

айнан мана шу безътиборлик натижасида биз яшаётган экология қанча зарар кўришини яхшилаб ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Бундай ишлар эса инсонлар томонидан Аллоҳ берган неъматга, омонат қилиб берилган табиатга хиёнатдир. Наҳотки онгли қилиб яратилган инсоният экологияни ифлослантириш натижасида ўзи ва келажак авлодининг саломатлигига путур етказаётганини англамаса!? Ахир бизлар она табиатни бус-бутунлигича асраб келажак авлодга етказиб беришга масъул эмасмизми!?

Ўзбек жамиятида табиатни муҳофаза қилиш тарбияси асосан жамиятнинг катта ёшдаги аъзолари вазифаси ҳисобланиб, катта ёшдаги кишилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва озодалиқни асраб авайлашда ёшларга ўрнак бўлишлари ва бу ҳусусида тарбия беришлари лозим саналади бўлади. Бизнинг боболаримиз ва бувиларимиз сувга тупурма, ариқларга чиқиндиларни супурма, кўчаларга ахлат ташлама, кўкариб турган бирор нарсани нобуд қилма дея уқтирган сўзларини доимо эсимиздан чиқармаслигимиз ва ёшларга ҳам шуларни ўргатмоқлигимиз лозим.

Бундан ташқари халқимиз орасида «Бирни кессанг ўрни эк» деган пурмаъно ибора ҳам мавжуд. Дарҳақиқат биз бугун кесган биргина кўчатнинг табиатдаги зарари йиллар ўтиб унинг ўрнига эккан дарахтимиз орқали қопланади. Ва шунда она табиатнинг тоза ҳавосига, кўкаламзорлигига путур етказмаган ҳисобланамиз.

²⁷ <https://religions.uz/news/detail?id=529>